

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2020

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

**Ш.Норов**

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати қонунчилигининг тарихий шаклланиши..... 79

**К.Тошов**Иккинчи жаҳон уруши йилларида сурхон воҳаси меҳнаткашларининг фронт  
ортидаги фаолияти ..... 84**Г.Эгамбердиева**Ўзбекистонда туризм соҳасини ислоҳ қилиш босқичлари (XX асрнинг иккинчи  
ярми – XXI асрнинг биринчи чораги) ..... 89**И.Гуломов**1926 йили Ўзбекистон ССР аҳолисини рўйхатга олиш тадбирининг яқунлари  
айрим рақамларда ..... 94

---

**АДАБИЁТШУНОСЛИК****О.Туйчиева**

«Жавоҳир ул-ажойиб» аёлларга аталган илк тазира сифатида ..... 99

**З.Яхшиева**

Тетралогияда тарихий ҳақиқат ва пафоснинг уйғунлиги ..... 103

**Ф.Икромхонова**

АҚШ адабиётида тарихий асарнинг шаклланиши ..... 107

**О.Дадажонов**

Жадид драмасида таълим-тарбия масаласи ва қаҳрамон талқини ..... 111

---

**ТИЛШУНОСЛИК****С.Хашимова**

Хитой тилида редупликатив феълларнинг маъноси ва қўлланилиш хусусиятлари ..... 114

**О.Бегимов**Жанубий Ўзбекистон орообъектларининг номланишида диний тушунча ва  
тасаввурларнинг мотивланиши ..... 119**З.Акбарова**

Оlam лисоний манзарасига доир қарашлар таҳлили ..... 124

**Г.Ҳакимова**Инглиз ва ўзбек тилларидаги зоонимик компонентли фразеологик бирликларнинг  
семантик таҳлили ва уларнинг миллний-маданий хусусиятлари ..... 129**У.Раҳмонов**

Инглиз тилида ҳақоратни ифодаловчи эмоционал сўзлар таҳлили ..... 133

**А.Уралов**

Морфемалар тизимида аффиксоидлар масаласи ..... 138

---

**ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ****Л.Аҳмедова**Олий таълим жараёнида инглиз тилини ўқитишда ўйин методлари: назария ва  
амалиёт ..... 143**С.Сидиков, Г.Сидикова, А.Қосимов**Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг моторли хусусиятларини ривожлантиришда  
акцентланган дарсларининг самарадорлиги ..... 150

---

**ИЛМИЙ АХБОРОТ****Г.Тиллабаева**

Юкланган Бернулли тенгламаси учун интеграл шартли масала ..... 155

**О.Ахмаджонова**Бессел-Клифффорд функцияларининг баъзи умумлашмалари ва уларнинг  
хоссалари ..... 160**К.Ражапов, И.Хомидов**Муаммоли геометрик масалаларни алгебраик тенгламалардан фойдаланиб  
ечиш ..... 163

АДАБИЁТШУНОСЛИК

УДК: 8-1/-9+8-21+370/371

ЖАДИД ДРАМАСИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАСИ ВА ҚАҲРАМОН ТАЛҚИНИ

ПРОБЛЕМЫ ОБРАЗОВАНИЯ И ВОСПИТАНИЯ И ТОЛКОВАНИЕ ГЕРОЯ В  
ДЖАДИДСКОЙ ДРАМЕ

PROBLEMS OF EDUCATION-NURTURING AND INTERPRETATION OF THE HERO IN  
JADID DRAMA

О.Дадажонов

**Аннотация**

Мақолада Беҳбудий ва Ҳамза асарлари мисолида жадид драмасидаги қаҳрамон талқини ҳамда таълим-тарбия масаласи таҳлилга тортилган.

**Аннотация**

В статье на примере произведений Бехбуди и Хамзы анализируются толкование героя джадидской драмы и вопросы образования и воспитания.

**Annotation**

The article analyzes the choice of the hero of Jadid drama, as well as the issues of upbringing on the examples of the works by Behbudi and Hamza.

**Таянч сўз ва иборалар:** драма, тарбия, жанр, қаҳрамон, илм, характер, миллат, жамият, ҳаёт.

**Ключевые слова и выражения:** драма, воспитание, жанр, герой, наука, характер, национальность, общество, жизнь.

**Keywords and word expressions:** drama, upbringing, genre, hero, science, character, nationality, society, life.

Ижодкор ҳаётий зиддиятлар, қаҳрамонлар ўртасидаги қарама-қарши ҳолатлар, кескин фикрлар, кескин курашлар асосида инсоннинг мураккаб руҳий қиёфасини жонли тасвирлайди, ижтимоий муаммоларга муносабат билдиради. Мазкур мақола орқали Беҳбудий ва Ҳамза асарларидағи қаҳрамон танлови ва таълим-тарбия масаласининг бадиий талқинига эътибор қаратдик. Таниқли рус танқидчиси В.Г.Белинский уқтириб ўтганидек, «Эпопеяда воеа, драмада одам ҳукмрондир». Шундай экан, драматургия ҳақида тўхталганда, инсон талқинига тўхтаб ўтиш англашилади [1,10].

Қаҳрамонларнинг хатти-харакати, ўзаро мулоқоти, нутқий фаолияти уларнинг ўзига хос маънавий оламини, руҳий изтиробларини, инсоний фазилатларини ёрқин кўрсатиб бериш ёзувчининг маҳорати билан боғлиқ. Жадид адабиёти намояндалари ташабbusи билан юзага чиқкан ва тараққий этган ўзбек драматургияси XX асрнинг 10-йиллари иккинчи ярмида қизгин ривож топди. Ўзбек жадид драмаси тўғрисида сўз боргандা, жадид адабиётининг асосчиларидан бири Маҳмудхўжа Беҳбудий ва унинг „Падаркуш“ драмаси тилга олинади. Муаллиф «Ойна» журналининг 1913 йил 51-сонида келтирилган мақоласида қуйидаги хабарни беради: Беҳбудий бу асар жанрини «миллий фожиа», деб атаган. Сабаби, ўғил ўз отасининг қотилига айлангани, оиласдаги таълим-тарбияга бориб тақалади. Асар замирида ўша давр Туркистон халқи учун энг

долзарб масала – таълим-тарбия масаласи кўтарилиган эди.

Асарда Беҳбудий чоризм истибодига ишора қилар экан, жаҳолат, ахлоқсизлик, тарбиясизлик, қотиллик иплатининг илдизини Русияга олиб бориб тақайди. Бу фикр драматургнинг кўп мақолаларида ҳам очиқ-ойдин айтилган эди. Масалан, «Эҳтиёжи миллат» мақоласида диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаган одамлар бўлмаса, «маиший эҳтиёжимиз хароб бўлиб, кундан-кун бегона миллатларнинг забони ва маҳкуми бўлурмиз», деганди. Беҳбудийнинг ўзи ихчам “миллий трагедия” деб таърифлаган бу асар Туркистонда гуноҳ ишларга йўл очиб, турли жиноятларга сабабчи бўлаётган айрим кишилар қисматига ишора қилувчи дидактик драма яратишга ҳаракат қилди. Бу асар ўз халқига мансуб фарзандларни ўқитиш, маърифатли қилиш, жамиятни юксалтиришга ҳар жиҳатдан қодир бўлишига қарамай, бу эзгу амалларни бажаришдан бош тортган кишиларнинг қисмати ҳақидаги башорат эди. Муаллиф асар фоясини кескин зиддиятлар, тўқнашувлар, характерлар кураши асосида кўрсатишдан кўра драманинг айрим қисмларида таълим-тарбия орқали мамлакатни ривожлантириш мумкинлигини кўп таъкидлайди ва туркистонлик ёшларнинг илм олишдан бош тортишлари ёмон оқибатларга олиб келишини кўрсатишга, яъни дидактик тасвирга кўп ўрин беради. Ижодкор бош қаҳрамон орқали илм олиш, билимли бўлиш ўша давр учун нақадар керакли эканлиги, илмсизлик

О.Дадажонов – ФарДУ, табиий ўйналишлар бўйича чет тиллар кафедраси ўқитувечиси.

қандай оқибатларга олиб келишини кўрсатиб берди. Драманинг “Падаркуш ёхуд ўқимаган боланинг ҳоли” деб номланишидан ҳам, унда илм-маърифат ғоялари, жамиятни маърифат орқали юксалтириш масалалари илгари сурилганлиги яқол англашиниб турилади. Ижодкорнинг бу борадаги поэтик мақсади зиёли образининг юқоридаги каби фикр-кечинмаларида теран акс этган, бой ва унинг ўғли Тошмурод образининг хатти-ҳаракатлари билан қаршилантирилган. Драма сўнгига бойнинг ўз ўғли томонидан ўлдрилганини кўрган зиёли фожианинг сабабини илмсизликда кўриб, ўзи ҳақ бўлиб чиққанидан куйиниб, шундай фарёд чекади: “Илм ва тарбиясиз болаларни оқибати шулдир. Агарда буларни отаси ўқитса эди, бу жиноят ва падаркушлик алардан содир бўлмас ва булар ичклиликни бўйла ичмасди, хун беғайри ҳаққин қилмас эди” [2,49].

Дарҳақиқат, инсон бошига тушган барча кўнгилсизликлар, жамият таназзулининг туб илдизи илмсизлик ва тарбиясизликка бориб тақалади. “Бизларни хонавайрон, беватан банди қилган тарбиясизлик ва жаҳолатдир” [3,69], дея таъкидлайди адиб. Тарбияли ва илмли инсонлар комилликка интилади, ўзи ва жамият ҳаётини яхшилашга, юксалтиришга ҳаракат қилади. Мазкур фикрларни Беҳбудий зиёли образи орқали чукур ва таъсирчан тарғиб қилишга эришган.

«Падаркуш» кичик драматик лавҳа бўлишига қарамасдан, у чукур фожиавий мазмун касб этган. Драма асосидаги энг муҳим ғоявий-ижтимоий масалалар жадидлар ва уларнинг мақсадлари билан уйғунлашиб кетган. Албатта, бундай мақсадларни жадидчилар ўзлари яратган асарларида кўрсатишга ҳаракат қилганлар, бироқ, Беҳбудийнинг ушбу драмасининг саҳнада жонли намойиш этилиши ҳалқ тафаккурида янги фикрларни уйғотди. Шунингдек, янгилик тарафдорларида учрайдиган нуқсонлар ҳам жадид образи зиммасига юклатилади. Беҳбудий уларни фойдасиз, ҳалқига, юртига нафи тегмайдиган илм эгасига айланиб қолаётганига ачинади, қуруқ насиҳатчиликни қоралайди. Мана шу жиҳати билан у реалист адиб сифатида намоён бўлади. Ана шу даврда яшаб, ижод этган яна бир драматург-Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асарлари ҳам реал ҳаёт тасвирига асосланган.

Ижтимоий ҳаётда юз бера бошлаган янгиланишларнинг ҳар бири бу лирик қаҳрамон тафаккурида сифат ўзгаришини ясади. Айниқса, Биринчи жаҳон уруши арафасида Ҳамза ижтимоий ҳаётда юз бераётган синфий табақаланиш, фақирлик ва иллатларнинг туб сабабларини англаб ета бошлади. Й. Солижонов таъкидлаганидек, “унинг дунёқарашида зулмни таг-томири билан йўқотиш, юртда адолат ва маърифатни барқарор қилишнинг ягона йўли

жамиятни ўзгартиришdir, деган фикр қатъий шаклланади” [4,85].

Бундан ташқари, жамиятдаги турли ахлоқсизликлар, шарм-ҳаёнинг кескин бузилиши, буларнинг барчаси таг-томири билан таълимтарбияга бориб тақалар эди. Буни чукур англаган Ҳамза деярли барча асарларида таълим-тарбия масаласига алоҳида эътибор қаратади. Ҳалқни бундай зулматдан олиб чиқиши адиб оиласдан бошлаш керак эканлигини ва оила мавзусидаги драмаларини ёза бошлади. “Бой ила хизматчи” асари айнан жамиятдаги жирканч, нопок ишлар ва оиласдан шарм-ҳаё тўғрисида фикр юритилди. Ҳамза асари орқали ўша давр ҳаётини кўрсатиб берди. Шўро даври адабиётига муносабатида синергетик йўналиш устуворлик қилаётган бир даврда, тасдиқ билан инкор, мувозанат билан мувозанатсизлик, бутун билан тартибсизлик бонг уради эди.

Ҳамза ижодига чукур назар ташласак, “у ҳам бошқа жадидчилар сингари миллат тақдири, мамлакат келажаги тўғрисида жонкуярлик билан ижод қилган. Бироқ, унинг ижоди истиқпол йилларида янада чукур ўрганилди. Ниҳоят, Ҳамза Ҳакимзода ҳам Беҳбудий, Авлоний, Фитрат, Қодирий, Мунаввар қори сингари ўз даврининг етук маърифатпарвари, сермаҳсул драматурги, ҳалқи дардини куйлаган миллатпарвар шоири, мустақиллик учун астойдил курашган зиёли эканлиги исботини топди” [5,49].

Ҳамзанинг ўзбек драматургия соҳасидаги фаолиятини қисқача қилиб, у ўз даври ҳалқ ҳаётини кўзгуга солиб кўрсатиб беришнинг уддасидан чиқди, дейиш мумкин. Ҳамза ижодида ҳам Беҳбудий сингари таълим-тарбия, илмга алоҳида эътибор қаратади. У яратган асарларининг бир қанчаси таълим-тарбия билан боғлиқ. Хусусан, у “тарбияни инсон шахсини шакллантирувчи, ҳал қилувчи куч деб билиб, болани меҳнатсеварлик, ҳалоллик, соғдиллик, самимилик, орасталик, сахийлик фазилатини тарбиялашга алоҳида эътибор беради.” [6,84]

Ҳамза ижодини Шўро мағкурасига мослаштириш мақсадида унинг кўп пьесалари ўзгартириб юборилган. Фоялари бузилиб, кенг омма, оддий томошабинга ҳам мослаштиришга уринилган. Ваҳоланки, унинг драматургияси кўпчиликнинг дуёқарашидан баланд эди. Биз ижодкорнинг “Бой ила хизматчи” драмасига тўхталиб, асарда таълим-тарбия масаласига эътибор қаратдик. Ҳамзанинг “Бой ила хизматчи” драмасида давр аччиқ ҳаёти тасвиirlанган бўлса ажаб эмас. Яна шуни айтиш мумкинки, Ҳамза етишган бу теран мазмунни ақидапараст социалистик реализм шотирлари ҳазм эта олмадилар, улар бойми, албатта ёмон, камбағалми, демак яхши қабилида фикр юритиб, жонли воқёликни андозага солиб тасвиirlадилар. Ҳамза бу ақидадан анча баландда эди.

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳамза кўникма-ю қолипларга қарши ижодкор. Бой деганда семиз, баджаҳл, қўпол инсон деб тушунилади. Ҳамза “Бой или хизматчи”да ёзадики, Солиҳбой элликка кирган, навқирон йигитдай одам. Қиличдек ўқтам, новча, келишган образ сифатида тасвирланади. Фофири ни барваста, барно йигит, деб ўйлаймиз. Йўқ, уни чўтири, паст бўйли, деб ёзади. Қолаверса, ночор хизматчи сифатида гавдаланган. Агар кўркам йигит бўлса, Жамила нега ундан кета олмаслиги табиий ҳол. Ҳайратланарли жойи йўқ. Лекин асл варианта Жамила камбағал, хунук эрини хушсурат бойга алишмайди! Фофири ҳам камбағал, ҳам чўтири, ҳам паст бўйли одам. Демак, бу ерда муҳаббат билан бирга, Фофириниң гўзал кўнгли, унинг тарбияси Жамилани ўзига ром этган бўлса ажаб эмас. Бироқ, гап тарбия ҳақида кетар экан, Жамилани шундоққина тарбия кўрганини билиш қийин эмас. Чунки тотли ҳаётни танламасдан, ўта ночор, яъни Фофири билан ҳаётни танлайди.

Ушбу драмадаги Жамила нафақат ўзбек аёли тимсолида, балки шарқ аёли тимсолида гавдаланади. Асарда қаҳрамон Жамила ёш бўлса-да, тарбия топган, ўз эрига вафодорлиги ва ор-номуси баланд қиз сифатида тасвирланади. Бой Жамилагага ўз ёри бўлиш эвазига бутун бир бойлигини бахшида этади. Шу билан бирга унинг эри ночорлиги ва у билан ҳеч қачон бундай бахтга (бой, бахт деганда олтин, зебу зийнат, барчаси бойлиқда деб билади), яъни бойлиқка эриша олмаслигини ўқтиради. Шунда Жамила шундай жавоб қиласди: “Бой ота! Бу гапни бир айтдингиз, яна қайтиб гапирман! Ўша қарол [8] ингизни яхши кўриб текканман, бошимдан зар қўйсангиз ҳам ундан айрилмайман!

“Бой или хизматчи”да бойнинг уч хотини бор. Пошшойим 27 ёшда. Хонзода 24, Гулбаҳор 18 да. Энди бой 16 ёшлига уйланмоқчи, қолаверса, бир хотинидан фарзанди ҳам бор. Хотинларинг шунақа ёш бўла туриб, нега яна ёш қизга кўз олайтирасан, бу аёлларинга нисбатан виждонсизлик-ку, деб куюнади Фофири. Шунинг учун ҳам Фофири “Бой ота, аввал уйдагиларнинг

ҳисобини қилинг”, дейди. Домланинг Фофирига айтган гапини эшитинг: “Сен бадбахтнинг баҳтинг шундаки, бойнинг назари хотинингга тушибди”. Қаранг-а, “баҳтинг шундаки”!

Бу билан домланинг ўзи тарбиясизликка йўл қўйганини кўриш мумкин. Қолаверса, домла жамият одами, у халқа намуна бўлиш ўрнига, бир камбағал, заифнинг баҳтига зомин бўлмоқда. Энди бу икки драматургнинг қаҳрамон талқинига назар ташласақ, Беҳбудий тарбиясизликни Тошмурод образи, Ҳамза эса бир нечта образ воситасида ёритиб берди. Бироқ, бош қаҳрамон Жамила, у пъесада кўп кўриниш бермаса-да, асар қаҳрамони сифатида намоён бўлмоқда. Ижодкор албатта қаҳрамони билан миллый характерни ҳам кўрсатиб беради. Миллый характер эса, аввало, мансуб давр, миллат, макон эътиборга олган ҳолда очиб берилади. Мазкур ўринда Фитрат ҳам бу масалага кенг миқёсда эътибор қаратади. Қаҳрамонда замон, макон, халқ хусусиятлари зуҳур бўлиши лозимлигига алоҳида ургу беради. Ижодкор бир миллат вакили бўлғанлиги учун ундаги руҳият тўлқини ва унинг аксланиши ҳам шу халқ вакилларининг миллый характер хусусиятларига мос бўлади. Ҳамза ҳам Беҳбудий сингари қаҳрамон ва реал ҳаёт боғлиқлигига катта эътибор беради.

Хуллас, Беҳбудий ва Ҳамза драмаларидағи қаҳрамонлар бир-бирини тақорроламайди. Сабаби, Беҳбудийнинг қаҳрамони маърифатсизлиги боис отаси котилига айланган бўлса, Ҳамза қаҳрамонлари ўзи яшаетган ахлоқсиз муҳитнинг, бузилган жамиятнинг қурбонига айланади. Беҳбудий қаҳрамонлари талқинида халқни маърифатли қилиш ғояси етакчи ўринни эгаллайди. Ҳамза қаҳрамонлари талқинида эса садоқатли ва курашchan аёл тимсолида миллый қиёфа намоён бўлади. Жамила ҳалок бўлса-да, ўзи яшаган ахлоқсиз тузум устидан маънан ғолиб келади. Икки драматург асарларидағи муштарак жиҳат – маънавият ва маърифатнинг жаҳолат ва ахлоқсизлик устидан узил-кесил ғалабасини улуғлашдир.

### Адабиётлар:

- Солиев А. “Ўзбек драматургиясида инсон талқини” мавзусидаги диссертация автореферати. –Т., 2012.
- Беҳбудий М. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият. 1997.
- Ниёзов Г., Ахмедов Қ., Тожибоев Қ. Шарқ алломалари ва маърифатпарвар адиларининг баркамол авлод тарбиясига оид маънавий-ахлоқий қарашлари. –Т.: Ўзбекистон. 2010.
- Солижонов Й. “Ҳамза Ҳакимзода шеъриятида лирик қаҳрамоннинг такомиллашув жараёни”. “ФарДУ. Илмий хабарлар”, 2019.3-сон
- Солижонов Й. Зулматдан нур қидирганлар.- Т.: Ўзбекистон. 2007.
- Очил С., Ҳошимов К. Ўзбек педагогикаси антологияси.2-жилд.Ўқитувчи –Т.: 1999
- Ҳамдам У. “Ҳамза-яни ўзбек адабиёти асосчиларидан бирими?” номли мақоласи. Манба: [www.uz.a.uз](http://www.uz.a.uз).
- Ўзбек тилининг изоҳли луғати.2 томли. – М.:1981.556-б Хизматкор. Ерлари бойга ўтиб кетган камбағал дехқонларнинг кўпчилиги шу бойнинг эшигига қарол бўлиб қолаверар экан.

(Тақризчи: А.Қосимов – филология фанлари доктори)